

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА НИЛУФАР САДИҚЖАНОВНА

**КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ДИҚҚАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
psychological sciences**

Абдуллаева Нилуфар Садикжановна

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққатни ривожлантиришнинг

Психологик хусусиятлари.....3

Абдуллаева Нилуфар Садикжановна

Психологические особенности развития внимания у детей младшего
школьного возраста.....21

Абдуллаева Нилуфар Садикжановна

Psychological features of attention development in primary school age
students.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА НИЛУФАР САДИҚЖАНОВНА

**КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ДИҚҚАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.06–Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/P123 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (psi-ik@.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нишанова Замира Таскараевна
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Камилова Нодира Ғайратовна
психология фанлари доктори, доцент

Тўйчиева Саодат Мелиқўзиевна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.А.Ақромова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., доцент

Н.Б.Атабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.Ғ.Камилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари, психол.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мактаб ўқувчиларини бошланғич синф давриданок билиш жараёнларини, айниқса, диққатини ривожлантиришга эътибор бериш орқали, келажакда уни мутахассис сифатида илғор ва иқтидорли бўлишига эришиш масалалари долзарб аҳамият касб этмокда. Бу борада «...тадқиқотлардан олинган натижаларга кўра, шахс диққати ўртача тўпланиши 20 йилдаги 12 сониядан иборат бўлган вазиятда, бугунги кунда 8 сонияга камайиши натижасида ўз диққатларини 9 сония ушлаб туришга қодир бўлган аквариум балиқларидан камроқ бўлиши...»¹ни эътиборга олинадиган бўлса, ўқувчиларга бошланғич синфдаёқ ихтиёрий диққатини шакллантириш, таълим олишларига тубдан эътибор қаратиш, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг диққатини ривожлантириш орқали таълим-тарбия жараёни самарадорлигига эришиш масалалари долзарб муаммолардан бўлиб қолмокда.

Жаҳонда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда бошланғич синфларда ихтиёрий, барқарор диққатни шакллантиришнинг психологик хусусиятларини аниқлаш, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш, ўқишга қизиқиш, ижтимоий муаммоларга нисбатан креатив ёндашиш ҳамда такомиллаштириш масалаларига оид илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмокда. Бу борада, бошланғич синф ўқувчиларида диққатни таълим жараёни сифати учун ривожлантириш, болада ихтиёрий диққатни шакллантириш, мазкур диққатнинг бола ўзлаштиришга бевосита боғлиқлигининг психологик жиҳатларини таъминлаш ҳамда турли ёш даврларида когнитив жараёнларни ривожлантириш муаммосини тадқиқ этишга йўналтирилган масалаларга эътибор қаратиш зарурати кузатилмокда.

Республикамизда сўнгги йилларда бошланғич таълим билан қамраб олинган болаларнинг ҳар томонлама соғлом ва руҳан етук шахс этиб камол топтиришга оид белгиланган вазифаларнинг ҳуқуқий-меъёрий зарур асослари яратилди. «Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади, деган ғоя асосида кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш...»²ни устувор этиб белгиланганлиги мамлакат келажакдаги бўлган болаларни кичик мактаб ёшидаёқ билиш жараёнларини ривожланишига эришиш, ўқувчилар диққати барқарорлигини такомиллаштириш юзасидан янгича илмий ёндашув асосида илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда назарий ечимларини топиш учун кенг имкониятлар яратилди.

2022 йил 28 январда тасдиқланган ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-

¹ <https://www.bbc.com/russian/features-39243375>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. / “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 30 декабрь.

сон «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида», 2019 йил 12 июлдаги 577-сон «Ўқувчиларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида» Қарорлари ҳамда фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган кенг қўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз психолог олимларидан Ш.Дусмухамедова, А.Кабилова, Т.Мустафакулов, Р.Суннатова, М.Махсудова ва бошқаларнинг тадқиқотларида кичик мактаб ёш даврига оид долзарб муаммолар турли жиҳатдан ўрганилган. М.Зуфарова томонидан диққат хусусиятлари, М.А.Халимова тадқиқотида бошланғич синф ўқувчиларида учрайдиган диққат етишмаслиги синдроми патология сифатида тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан диққатни тўғри бошқариш ва ривожлантириш муаммолари Л.Выготский, Ф.Гоноболлин, Н.Добринин, Н.Кузьмина, А.Леонтьев, А.Люблинская, А.Миллер, Н.Обозов, Н.Перлмуттер, С.Рубинштейн, П.Секорд, Л.Славина ва бошқалар томонидан экспериментал ўрганилган.

Хорижий психологлардан D.Broadbent, J.Deutsch, U.Neisser, D.Norman, A.Treisman ва бошқалар томонидан диққатнинг психологик хусусиятлари, диққатни когнитив йўналиш асосида ўрганишган, K.Wagner, G.Gollnitz, F.Reinhardt, N.Salman ва бошқалар томонидан диққат концентрацияси ўзгариши масалалари, Т.Kossow, Т.Feresildлар диққат концентрацияси бузилишини, R.Brechenkamp, P.Pauli ва бошқа психоаналитикларнинг диққатни жамлаш концентрациясини тадқиқ этишган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Наманган давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Баркамол авлодни тарбиялашнинг психологик жиҳатлари» мавзусидаги устувор йўналиши доирасида бажарилган (2020-2022 й.й.).

Тадқиқотнинг мақсади кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққатнинг ривожланишига педагогик-психологик таъсир кўрсатиш имкониятларини такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққат ривожланишининг ёш ва жинс фарқларини эмпирик аниқлаш;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққат хусусиятлари ҳамда ўқув мотивацияси орасидаги боғланишларни аниқлаш;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққатни шакллантириш бўйича ривожлантирувчи дастурни ишлаб чиқиш;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққат самарадорлигини аниқлаш асосида ўқитувчилар, ота-оналар, мактаб психологларига психологик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққатни ривожлантириш жараёни бўлиб, тадқиқотда Наманган вилояти Наманган шаҳри 5-, 15-, 40-сонли, Андижон вилояти Андижон шаҳри 48-, 53-сонли, Фарғона вилояти Фарғона шаҳри 40-сонли умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич синф ўқувчиларидан жами 190 нафар респондентлар тадқиқотга жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққатни ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари ва омиллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда Ю.Ю.Федотованинг «Рақамларни жойлаштириш», А.Реемнинг «Чалкаш чизиқлар», К.К.Платоновнинг «Араб-рим жадваллари» тестлари, В.Смекал, М.Кучернинг «Ўқувчи ва болалар ўртасидаги мулоқот услубини аниқлаш», Т.В.Гудзикнинг «Темпераментни аниқлаш», «Бошланғич синф ўқувчисининг ўқув мотивацияси диагностикаси» сўровномаларидан фойдаланилган. Олинган натижаларнинг статистик ишончлилиги даражаси математик статистика методларидан: Студентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг r-корреляция коэффициенти орқали тасдиқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққат хусусиятларининг нерв тизимидаги физиологик етилиш тамойилига мувофиқ нотекис ривожланиш қонуниятига бўйсунити натижасида қиз болаларнинг ахборотларга эмоционал таъсирчанлиги асосида ички когнитив фаолликни иродавий хусусиятлар билан синтезлашуви, ўғил болаларда эса мотор фаолликнинг когнитив фаолликка адаптив-интеграцияси туфайли, диққат тақсимланиши ва кўчувчанлигида жинс фарқлари кузатилиши далилланган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққат тақсимланиш хусусиятининг ривожланганлик даражасига мувофиқ, маълумотларнинг «янглик эффекти»га нисбатан иродавий актнинг визуал-образларни идрок қилиш хусусиятини устуворлигига асосан кучайиши сабабли, ички ва ташқи ўқув мотивациясининг намоён бўлишида дифференциал фарқлар кузатилиши далилланган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққат барқарорлиги, тақсимланиши, кўчувчанлиги каби хусусиятларининг ривожланиши мулоқотчанлик, серҳаракатлилиқ, киришимлилиқ, эмоционал барқарорлик шахс сифатлари асосида, боланинг сангвиник ва холерик темпераментал сифатларига тўғри ҳамда меланхолик ва флегматик темперамент типларига тескари пропорционал эканлиги асосланган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ихтиёрий диққатни ривожлантириш учун иродавий сифатларни диққат барқарорлиги билан уйғун ҳолда шакллантиришда нейродинамик ёндашувга асосланган «Такрорла ва кўникмага

эга бўл!» муаллифлик тренинг дастурини киритиш самарали эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққатнинг ривожланишига объектив ва субъектив омиллар таъсир қилиши ишлаб чиқилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққатни шакллантирувчи ривожлантирувчи дастур ишлаб чиқилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққатни ривожлантириш бўйича ота-оналар ва педагогларга тавсиялар такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган методологик базасининг мукамаллиги, адекват тадқиқот методикаларидан фойдаланилганлиги, репрезентативлиги, ишончлилиги ҳамда эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил ва талқин этилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг математик статистика методларини самарали қўллашга имкон берувчи SPSS 22 дастури каби таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўпланган илмий-назарий материаллар «Ёш ва педагогик психология», «Психокоррекция», «Психологик хизмат», «Психологик маслаҳат», «Психодиагностика», «Экспериментал психология» фанларини янги маълумотлар билан бойитишга, ушбу фанлардан намунавий ва ишчи дастурлар мазмуни, бошланғич синф ўқувчиларида диққатни ривожлантиришга бағишланган машғулотлар ва психодиагностик методикалар билан такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган коррекцион-ривожлантирувчи дастурни мактаблар, Халқ таълими бошқармалари фаолиятига татбиқ этилиши орқали кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққатни мукамал ривожлантиришга қаратилган машғулотларни такомиллаштириши билан белгилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққатни ривожлантиришнинг психологик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққат хусусиятларининг нерв тизимидаги физиологик этилиш тамойилига мувофиқ нотекис ривожланиш қонуниятига бўйсунитиши натижасида қиз болаларнинг ахборотларга эмоционал таъсирчанлиги асосида ички когнитив фаолликни иродавий хусусиятлар билан синтезлашуви, ўғил болаларда эса мотор фаолликнинг когнитив фаолликка адаптив-интеграцияси туфайли, диққат тақсимланиши ва кўчувчанлигида жинс фарқлари кузатилиши ҳақидаги таклифлар Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 апрелдаги 4-сонли буйруғига асосан «Умумий психология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги Психология

ўқув-илмий марказининг 2021 йил 15 мартдаги П-М-4-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак педагог-психологлар, амалиётчи психолог мутахассисларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириш соҳасида сифат жиҳатдан ўсишга эришилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққат тақсимланиш хусусиятининг ривожланганлик даражасига мувофиқ, маълумотларнинг «янгилик эффекти»га нисбатан иродавий актнинг визуал-образларни идрок қилиш хусусиятини устуворлигига асосан кучайиши сабабли, ички ва ташқи ўқув мотивациясининг намоён бўлишида дифференциал фарқлар кузатилиши ҳақидаги илмий натижалари Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 апрелдаги 4-сонли буйруғига асосан «Онтогенез психологияси ва дифференциал психология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 15 мартдаги П-М-4-сон маълумотномаси). Натижада бўлғуси педагог-психолог ва амалиётчи психологларга дифференциал психологияни ўқитишда услубий таъминот такомиллаштирилган ҳамда назария ва амалиёт узвийлиги кучайтирилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққат барқарорлиги, тақсимланиши, кўчувчанлиги каби хусусиятларининг ривожланиши мулоқотчанлик, серҳаракатлилиқ, киришимлилиқ, эмоционал барқарорлик шахс сифатлари асосида, боланинг сангвиник ва холерик темпераментал сифатларига тўғри ҳамда меланхолик ва флегматик темперамент типларига тескари пропорционал эканлигига оид илмий хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 апрелдаги 4-сонли буйруғига асосан «Умумий психодиагностика» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 15 мартдаги П-М-4-сон маълумотномаси). Натижада кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг диққатини ижтимоий-психологик жиҳатдан ўрганиш, объектив тавсифлаш имкониятлари оширилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ихтиёрий диққатни ривожлантириш учун иродавий сифатларни диққат барқарорлиги билан уйғун ҳолда шакллантиришда нейродинамик ёндашувга асосланган «Такрорла ва кўникмага эга бўл!» муаллифлик тренинг дастурини киритиш самарали эканлиги исботланган илмий хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 апрелдаги 4-сонли буйруғига асосан «Консультатив психология ва психокоррекция» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 15 мартдаги П-М-4-сон маълумотномаси). Натижада психолог кадрларнинг ўқувчиларга психологик хизмат кўрсатиш, уларда билиш жараёнларининг асоси ҳисобланмиш диққатни шакллантириш учун зарур илмий-амалий ҳамда услубий тайёргарлиги такомиллаштиришга имкон яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни 5 та республика ва 3 та халқаро илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий тадқиқот юзасидан жами 14 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та: республика журналларида 3 та, хорижий журналда 3 та илмий мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлим, ҳажми 122 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсади ва вазифалари белгиланган, тадқиқот методлари, объекти ва предмети кўрсатилган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, назарий ва амалий аҳамияти, ишончлилигининг асосланиши, уларнинг амалиётда татбиқ этилиши, апробациядан ўтказилиши, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, диссертацион тадқиқотнинг тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Диққат муаммосининг психологияда ўрганилиши**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси йўналишида хорижий ва ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари таҳлил этилган, диққат муаммосининг психологияда ўрганилиши соҳасида замонавий психология фанида тўпланган тажрибалар умумлаштирилган, илмий тадқиқотнинг методологик асослари белгиланган, шунингдек, диққат муаммосининг узоқ хориж олимлари томонидан тадқиқ этилиши масаласига доир қарашлари ёритилган. Шарҳланган материалларга таянилган ҳолда диссертация ишининг мазкур қисмида диққат муаммоси бўйича назариялар, ёндашувлар, йўналишлар ўз аксини топган.

Рус психологиясида диққатни ўрганиш асосан фаолиятнинг психологик назарияси доирасида амалга оширилган. Дастлабки асарларида Л.С. Виготский диққатни инсон фаолиятини ижод усули сифатида ўрганиш ғоясини бир неча бор ифода этган. А.Н. Леонтьев ушбу ғояни ривожлантирди ва фаолиятнинг психологик назариясини яратди, унга кўра диққат, бир томондан, фаолиятнинг, онгнинг тузилишини белгилайди, бошқа томондан, унинг тузилиши физиологик жараёнدير.

Ўзбек психологлари томонидан кичик мактаб ёш давридаги ўқувчиларнинг турли психологик хусусият, жараён ва ҳолатлари илмий тадқиқ этилди. Маҳаллий психологлар орасида М.А.Халимова томонидан диққат етишмовчилиги патологик ҳолат сифатида тадқиқ этилган. Ўтказилган эмпирик тадқиқотлар натижалари бўйича диққат етишмовчилиги синдроми ва гиперактивлик мавжуд болаларда диққатнинг турғунлиги, ишчанлиги хусусиятлари кўрсаткичлари соғлом тенгдошлари кўрсаткичларидан кескин

фарқ қилиши туфайли хаста ўқувчилар топшириқларни бажаришда тез чарчаши, хатоликларга йўл қўйишлари кузатилди.

Диссертациянинг «**Кичик мактаб ёшида диққат муаммосининг эмпирик ўрганилиши**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот методологияси ва методикалари ақс этилган. Тадқиқотда асосий диққатни аниқловчи методикалар учта ҳисобланиб, улар диққатнинг энг асосий, яъни ўқув фаолияти учун зарур бўлган хусусиятларни аниқлашга ёрдам беради. Тадқиқотимизда Наманган, Андижон ва Фарғона вилояти Халқ таълими вазирлигига қарашли умумий ўрта таълим мактабларининг 2-синф ва 4-синф ўқувчилари жалб қилинган. Тадқиқот мобайнида «Рақамларни жойлаштириш» методикасидан фойдаландик. Бу методика ёрдамида ўқувчиларда диққатнинг тақсимланиш хусусияти аниқланади. Олинган натижаларни куйидаги 1-жадвалда умумлаштирилди.

1-жадвал.

Бошланғич синф ўқувчиларида «Рақамларни жойлаштириш» методикаси бўйича диққатнинг тақсимланиши намоён бўлишидаги тафовут кўрсаткичлари (Стьюдент t-мезони бўйича)

Статистик кўрсаткичлар	Синалувчилар гуруҳлари	
	2-синф ўқувчилари (n =94)	4-синф ўқувчилари (n =96)
М	21,78	23,59
t	-6,55	
p	0,001	

Юқоридаги 1-жадвалдан кўриниб турганидек, 2-синф ўқувчиларда диққат тақсимланишининг ўрта арифметик қиймати 21,78 га, 4-синф ўқувчиларда эса 23,59 га тенг. Муқаррарлик мезони $t = -6,55$ ($p \leq 0,001$). Тўртинчи синф ўқувчиларида 2-синф ўқувчиларига нисбатан диққатнинг тақсимланиши кучлироқ намоён бўлган. Диққатнинг тақсимланиши диққат хусусиятлари орасида энг мураккаб турларидан бири ҳисобланади. Сабаби уни миянинг физиологик жиҳатдан етилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам бизнинг тадқиқотимизда «Рақамларни жойлаштириш» методикаси бўйича диққатнинг тақсимланишинида ёш фарқлари яққол намоён бўлди.

Диққатнинг тақсимланиши - бу миямизнинг бир вақтнинг ўзида турли хил стимулларга ёки вазифаларга, шу билан атроф-муҳитнинг кўплаб талабларига жавоб бериш қобилиятидир. Ушбу когнитив қобилият тури жуда муҳимдир, чунки бу ўқувчининг кундалик ҳаётида самарали бўлишига имкон беради. Ўқувчининг реакцияга киришиш ва параллел равишда бир нечта вазифаларни бажариш қобилиятининг ўз чегараси мавжуд. Диққатнинг тақсимланиши билан бир вақтнинг ўзида содир бўлган ҳаракатларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги пасаяди.

Тадқиқотда бошланғич синф ўқувчилари диққатининг бир қатор хусусиятлари, жумладан, диққатнинг барқарорлиги бўйича ҳам ёш фарқлари

мавжудлигини аниқлаш учун «Чалкаш чизиқлар» методикасини ўтказдик ва олинган натижалар 2 -жадвалда умумлаштирилди.

Қуйидаги 2-жадвалдан кўришиб турганидек, 2-синф ўқувчиларда диққат барқарорлигининг ўрта арифметик қиймати 15,56 га, 4-синф ўқувчиларда эса 13,58 га тенг. Муқаррарлик мезони $t = 3,81$ ($p \leq 0,001$). Юқорида келтирилган «Чалкаш чизиқлар» методикаси бўйича диққатнинг барқарорлиги 4-синф ўқувчиларига нисбатан 2-синф ўқувчиларининг натижалари юқорилиги намоён бўлди. Аслида биз тадқиқотимизда акс натижани гипотеза сифатида белгилаб олган эдик. Лекин эксперимент натижалари тескари натижани кўрсатди.

2-жадвал.

Бошланғич синф ўқувчиларида «Чалкаш чизиқлар» методикаси бўйича диққатнинг барқарорлиги намоён бўлишидаги тафовут кўрсаткичлари (Стьюдент t-мезони бўйича)


Статистик кўрсаткичлар	Синалувчилар гуруҳлари	
	2-синф ўқувчилари (n =94)	4-синф ўқувчилари (n =96)
М	15,56	13,58
t	3,81***	

Балки бу методиканинг мазмуни ва техникасига боғлиқ. Сабаби шундаки, «Чалкаш чизиқлар» методикаси ўйин тарзида олиб борилади. Бу 2-синф ўқувчиларининг юқори натижа олишларига таъсирини кўрсатди. Бундан ташқари, диққат барқарорлигининг бузилишига турли хил касалликлар, ахборот оқимининг кўплиги ва мобил телефон алоқалари ҳам таъсир қилади. Бизнинг тадқиқотимиз объекти бўлган 4-синф ўқувчилари орасида 2-синф ўқувчиларига нисбатан мобил телефондан фойдаланиши кўп бўлиши тадқиқот натижасига ўз таъсири кўрсатди.

Тадқиқотимизда диққатнинг нафақат ёш фарқлари, балки жинс фарқларини тадқиқ этишни ҳам вазифа қилиб олган эдик. Қуйида эксперимент натижалари билан таништирамиз. Иккинчи синф қиз ва ўғил болалар ўртасидаги жинс фарқларини аниқлашда диққатни учта хусусиятининг натижаларини биз томонимиздан ўтказилган учта методика натижалари асосида тақдим этамиз.

Қуйидаги 1-расмда кўришиб турганидек, 2-синф қиз болаларида диққат тақсимланишининг ўрта арифметик қиймати 22,36 га, 2-синф ўғил бола ўқувчиларида эса 21,27 га тенг («Рақамларни жойлаштириш» методикаси натижаларига кўра). Натижада диққатнинг тақсимланиш хусусияти 2-синф ўғил болаларига нисбатан қизларда юқори ривожланганини кўришимиз мумкин. Диққатнинг тақсимланиши мураккаб ва қийин жараён бўлганли сабабли, у миянинг алоҳида участкаларининг ривожлашинишига боғлиқ ҳисобланади.

Аслида, қиз бола ўғил болага нисбатан жисмоний, когнитив, психологик жиҳатдан эртароқ етилиши исботланган. Тадқиқотларда диққат ва унинг хусусиятлари намоён бўлиши ёшга боғлиқ категория эканлиги аниқланди. Кичик мактаб ёшининг 2-синф ўқувчиларида диққатнинг барқарорлиги хусусияти юқори намоён бўлди. Барқарорлик диққат пайдо бўлишининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Қуйидаги 1-расмдан кўришиб турганидек, 2-синф қиз болаларида диққат барқарорлигининг ўрта арифметик қиймати 14,97 га, 2-синф ўғил болаларида эса 16,08 га тенг («Чалкаш чизиқлар» методикаси натижаларига кўра).



1-расм. Иккинчи синф ўқувчиларида диққат хусусиятлари намоён бўлишида жинс фарқлари.

Иккинчи синф ўғил ва қиз болалар хусусиятларидаги ўзаро фарқли жиҳатлар диққатнинг барқарорлиги хусусиятида ҳам намоён бўлди. Яъни, қиз болаларда ўғил болаларга нисбатан юқори натижа намоён бўлди.

Юқоридаги 1-расмдан кўришиб турганидек, 2-синф қиз болаларида диққат кўчувчанлигининг ўрта арифметик қиймати 13,26 га, 2-синф ўғил бола ўқувчиларида эса 17,63 га тенг («Араб-рим жадваллари» методикаси натижаларига кўра). Диққатнинг кўчувчанлиги 2-синф қиз болаларига қараганда, ўғил болаларида юқори ривожланганлиги намоён бўлди. Диққатнинг кўчувчанлиги - бу онгни бир нарсадан чалғитиб, бошқасига ўтказиш қобилиятидир. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққатнинг кўчувчанлиги дарҳол содир бўлмайди. Дарс давомида ўқитувчи савол берса, ўқувчилар унинг саволини тингламасдан, ҳалигача ундан олдинги саволга жавоб беришаётган ҳолат кўп такрорланиши мумкин. Диққатнинг кўчувчанлиги бошқа хусусиятларга қараганда осонроқ ўргатилади. Бунинг учун дарсда ўқитувчи

мунтазам равишда машғулотлар ва топшириқ турларини ўзгартириб туриши керак.

Тадқиқотимиз давомида диққатнинг намоён бўлишига таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни тадқиқ этишни вазифа қилиб белгилаганмиз. Бунинг учун Пирсон корреляция коэффицентидан фойдаланиб, ўқувчилар диққатига таъсир этувчи омиллар аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал.

**4-синф ўқувчилари хусусиятларидаги ўзаро корреляцион алоқадорлик
(Пирсон корреляция коэффицентини бўйича)**

	Диққатнинг барқарорлиги	Диққатнинг тақсимланиши	Диққатнинг кўчувчанлиги	Ўқув мотивацияси	демократик услуб	либерал услуб	холерик	сангвиник	меланхолик	флегматик
Диққатнинг барқарорлиги	1									
Диққатнинг тақсимланиши	-0,09	1								
Диққатнинг кўчувчанлиги	0,06	0,0161	1							
Ўқув мотивацияси	0,01	0,50**	-0,08	1						
Демократик услуб	0,18	-0,20*	0,18	0,05	1					
Либерал услуб	-0,18	0,14	-0,18	-0,05	-1	1				
Холерик	0,34**	0,39**	0,29**	0,12	-0,13	0,13	1			
Сангвиник	0,13	0,30**	0,25**	0,006	-0,08	0,08	-0,20*	1		
Меланхолик	-0,13	0,27**	0,45**	-0,12	0,26**	0,26**	-0,20*	-0,15	1	
Флегматик	-0,02	-0,006	0,41**	-0,05	0,06	-0,06	-0,17	0,46**	0,27**	1

Изоҳ: * $p \leq 0,05$; ** $p \leq 0,01$. (n=134)

Юқоридаги 3-жадвалдан кўришиб турганидек, кичик мактаб ёшидаги 4-синф ўқувчиларида диққатнинг барқарорлиги ва темпераментнинг холерик типи билан орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r=0,34$; $p \leq 0,01$). Тадқиқотда 2-синф натижаларида ҳам диққатнинг бу хусусияти аниқланган. Аслида, диққатнинг барқарорлиги давомийлиги жиҳатдан шахсда фарқ қилса ҳам ҳаммада мавжуд ва дастлаб ривожланадиган хусусият ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу хусусият тадқиқотимиз натижаларида фақат 2- синфларда намоён бўлган ягона хусусият ҳисобланади.

Кичик мактаб ёшидаги 4-синф ўқувчиларида диққатнинг тақсимланиши ва темпераментнинг холерик типи орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r= 0,39$; $p \leq 0,01$). Диққатнинг тақсимланиши - бу одамнинг бир вақтнинг ўзида бир хил бўлмаган объектларни диққат марказида ушлаб туришнинг субъектив тажрибаси ҳисобланади. Айнан шу қобилият бир вақтнинг ўзида бир нечта ҳаракатларни бажаришга имкон беради, уларни диққат майдонида ушлаб

туради. Ана шу тажриба мураккаб бўлганлиги учун кичик мактаб ёшининг юқори синфларида яхши ривожланади. Шунингдек, холерик темпераментли ўқувчиларда нерв системаси қўзғалувчанлиги ҳисобига уларда диққатнинг тақсимланиши ҳам юқори бўлади.

Кичик мактаб ёшидаги 4-синф ўқувчиларида диққатнинг кўчувчанлиги ва темпераментнинг холерик типи билан орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r=0,29$; $p\leq 0,01$). Кўп муаллифларнинг фикрича, диққатнинг кўчувчанлиги унинг тақсимланишининг тескари томонидир. Диққатнинг кўчувчанлиги яширин тарзда аниқланади, бир фаолият туридан иккинчисига ўтади. Кўчувчанлик - бу диққатни бир объектдан иккинчисига онгли ва мазмунли ўзгартиришдир. Умуман олганда, диққатнинг кўчувчанлиги вазиятда тез ҳаракат қилиш қобилиятини англатади. Бу хусусият ўзининг намоён бўлиши билан мураккаблиги учун 4-синф ўқувчиларининг холерик типиди аниқланди. Шунингдек, бизнингча, бу холерик темпераментли ўқувчиларнинг нерв тизими, яъни кучли қўзғалувчанлиги билан ҳам боғлиқ бўлса керак.

Кичик мактаб ёшидаги 4-синф ўқувчиларида диққатнинг тақсимланиши ва темпераментнинг сангвиник типи орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r=0,30$; $p\leq 0,01$). Маълумки, одам бир вақтнинг ўзида ҳар хил нарсалар ҳақида ўйлай олмайди ва турли ишларни қила олмайди. Бу чеклаш бизни ташқаридан келадиган маълумотларни қайта ишлаш тизимининг имкониятларидан ошмайдиган қисмларга бўлишга мажбур қилади. Худди шу тарзда, одам бир вақтнинг ўзида бир-биридан мустақил бир нечта нарсаларни идрок этиш қобилиятига эга - бу тақсимланиши ҳисобланади. Унинг муҳим ва аниқловчи хусусияти шундаки, у таълим ва машқлар ёрдамида тарбиялаш жараёнида амалда тартибга солинмайди. Шунинг учун ҳам бу мураккаб хусусиятлар сирасига киради. Бизнинг тадқиқотимизда ҳам кичик мактаб ёшининг юқори синфларида бу хусусият намоён бўла бошлаган.

Кичик мактаб ёшидаги 4-синф ўқувчиларида диққатнинг кўчувчанлиги ва темпераментнинг сангвиник типи билан орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r=0,25$; $p\leq 0,01$). Сангвиник кучли, мувозанатли, ҳаракатчан асаб тизимида, тезкор реакцияга эга, унинг ҳаракатлари ўйланган, қувноқ, шунинг учун у ҳаёт қийинчиликларига юқори қаршилик билан ажралиб туради. Унинг асаб тизимини ҳаракатчанлиги ҳис-туйғуларнинг ўзгарувчанлигини, қизиқишларини, қарашларини, янги шароитларга юқори мослашувчанлигини намоён қилади. Сангвиник ўзининг нерв тузилиш структураси билан холерикка яқин ва ўхшаш бўлганлиги учун, диққатнинг кўчувчанлик хусусияти ҳар иккала темперамент типиди мусбат корреляцияни кўрсатди.

Диссертацион ишнинг «**Кичик мактаб ёшида диққат психокоррекцияси**» номли учинчи бобида билиш жараёнлари психокоррекциясида шаклланган анъанавий ёндашувлар таҳлил этилган. Тадқиқотимизнинг ривожлантирувчи дастурини ишлаб чиқишда психокоррекция ва психологиянинг бир нечта тамойил ва йўналишларини асос қилиб олдик. Тадқиқотимизнинг ривожлантирувчи вазифаларига қараб, куйидаги психокоррекция йўналишларидан фойдаландик: ўйин терапияси, нейропсихологик коррекция, сенсомотор коррекция, шахсга йўналтирилган терапия, арттерапия, голотерапия, ҳаракат терапияси, гештальт терапия, психогимнастика, психодрама ва бошқалар.

Диққатни шакллантирувчи ривожлантирувчи машғулотлар таркибида қуйидаги босқичларни ажратиш мумкин:

1. Саломлашиш ва хайрлашиш маросимлари гуруҳ билан ишлашнинг муҳим йўналиши бўлиб, болаларга бирлашишга имкон беради, гуруҳ ишончини ва қабул муҳитини яратади, бу эса, ўз навбатида, самарали иш учун муҳимдир.

2. Чигални ечиш машқлари нафақат диққатни ривожлантириш элементи бўлиб хизмат қилади, балки у ўқувчиларнинг эмоционал ҳолатига, уларнинг фаоллик даражасига таъсир этиш воситаси бўлиб, самарали гуруҳ фаолиятига мослашишнинг муҳим функциясини бажаради.

3. Дарсларнинг асосий мазмуни нафақат ушбу ривожлантириш комплекснинг муаммоларини ҳал қилишга, балки ижтимоий кўникмаларни шакллантиришга, гуруҳнинг жадал ривожланишига йўналтирилган психотехник машқлар ва услублар тўпламидир. Шунингдек, машғулотларнинг асосий қисми ҳиссий тангликни юмшатишга, диққатни кўчиришга ва самарадорликни оширишга ёрдам берадиган психогимнастик машқлардан иборат.

4. Рефлексия машғулотни икки жиҳатдан баҳолашни назарда тутаяди: ҳиссий (ёқди - ёқмади, яхши бўлди - ёмон ва нима учун) ва семантик (нима учун бу муҳим, нега биз буни қилдик)). Рефлексия ёрдамида ўқувчилар ўзи ёки катталар ёрдамида бу нима учун керак, бу ҳаётда қандай ёрдам бериши мумкин, деган саволларга жавоб беради, бир-бирига ва тренерга фикр билдиради. Диққатни ривожлантирувчи дастур механизми қуйидагича таснифга эга (2-расм):



2-расм. Диққатни ривожлантирувчи дастур механизми.


Аниқловчи ва назорат тажрибаларини қиёсий таҳлил қилиш орқали биз Дастурнинг мақсади кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда моторикани

шакллантириб, турли нейрофизиологик машқлар бажариш орқали диққат психик жараёнини ривожлантиришга хизмат қилишдан иборат. Ушбу дастур гуруҳ ишларига қаратилган. Гуруҳнинг сони 6-10 кишидан иборат. Гуруҳга психологик-педагогик диагностика натижасида диққатнинг паст даражада ривожланганлиги ва эътиборсизлик туфайли ўзлаштиришда қийинчиликларга дуч келадиган ўқувчилар саралаб олинган. Дастур 10 та машғулотни ўз ичига олади. Гуруҳ ҳафтасига икки марта йиғилади. Ҳар бир машғулотнинг тахминий давомийлиги 1 соат - 1 соат 10 дақиқа. Гуруҳ машғулотларидан ташқари ҳафтада бир марта 40-50 дақиқа давомида гуруҳ ишларида қийинчиликларга дуч келадиган ўқувчилар билан индивидуал дарслар ўтказилади.

томонимиздан ишлаб чиқилган «Такрорла ва кўникмага эга бўл!» номли ривожлантирувчи дастурнинг самарадорлигини аниқлашга бағишланган изланишларга тўхталиб ўтаемиз.

Биз респондентлар орасидан диққати қуйи ривожланган ўқувчиларни ажратиб олиб, уларда диққатни ривожлантириш мақсадида машғулотларни олиб бордик. Ўтказилган ривожлантирувчи машғулотлардан сўнг ўқувчиларда диққатнинг шаклланганлигини тадқиқ этиш мақсадида «Рақамларни жойлаштириш», «Чалкаш чизиқлар», «Араб-рим жадваллари» методикалари ёрдамида такроран ретест текширув ўтказилди ва натижалар таҳлил қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад қўлланган ривожлантирувчи машғулотларнинг самарадорлигини аниқлашдан иборат эди.

Аниқловчи ва назорат тажрибаларини қиёсий таҳлили қуйидаги 3-расмда келтирилган.



3-расм. Ривожлантирувчи дастурнинг самарадорлиги.

Юқоридаги 3-расмда «Рақамларни жойлаштириш» методикаси аниқловчи тажрибада диққат тақсимланганлигининг ўрта арифметик қиймати 21,83 тенг

бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич 22,37 га кўпайган. Стъюдент мезони орқали натижалар ўртасидаги фарқнинг аҳамиятлилик даражаси ўрганилганда, унинг миқдори $t = -0,61$ тенг бўлди; натижалар аҳамиятсиз.

«Араб-рим жадваллари» методикаси натижалари аниқловчи тажрибада диққат барқарорлигининг ўрта арифметик қиймати 10,5 тенг бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич 14 га кўпайган. Стъюдент мезони орқали натижалар ўртасидаги фарқнинг аҳамиятлилик даражаси текширилганда, $t = -3,43$; $p \leq 0,01$ кўрсаткичга тенг бўлган аҳамиятли натижа олинди.

«Чалкаш чизиклар» методикаси натижалари аниқловчи тажрибада диққат кўчувчанлигининг ўрта арифметик қиймати 6,70 тенг бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич 14,70 га кўпайган. Стъюдент мезони орқали натижалар ўртасидаги фарқнинг аҳамиятлилик даражаси текширилганда, $t = -6,13$; $p \leq 0,01$ кўрсаткичга тенг бўлган аҳамиятли натижа олинди.

«Бошланғич синф ўқувчиларида ўқув мотивациясини аниқлаш» методикаси натижалари аниқловчи тажрибада ўқув мотивацияси ривожланганлигининг ўрта арифметик қиймати 14,87 тенг бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич 16,20 га кўпайган. Стъюдент мезони орқали натижалар ўртасидаги фарқнинг аҳамиятлилик даражаси текширилганда, $t = -1,94$; $p \leq 0,05$ кўрсаткичга тенг бўлган аҳамиятли натижа олинди.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққатни ривожлантирувчи дастур синалувчилар гуруҳида апробациядан ўтказилди. Ривожлантирувчи дастурнинг самардорлиги назорат тажрибалари орқали текширилди, аниқловчи ва назорат тажрибалари орасидаги статистик фарқ аҳамиятлидир.

ХУЛОСА

Мавзу бўйича олинган назарий ва эмпирик натижалар таҳлили қўйидаги илмий асосланган хулосаларга келиш имконини берди:

1. Кичик мактаб ёши ўқувчисида диққатнинг сустривожланганлиги унинг бошқа билиш жараёнларини ҳам оптимал ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Кичик мактаб ёши ўқувчисида паст ўзлаштириш унинг ўқитувчи билан мулоқот муносабатини салбий бўлишига таъсир этади, натижада кичик мактаб ёшидаги ўқувчида психологик ижтимоийлашув жараёни шаклланишига ижобий ҳолатлари мавжудлиги белгиланди.

2. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққатнинг барқарорлиги, тақсимланиши ва кўчувчанлиги иккинчи ва тўртинчи синф ўқувчиларида нотекис ривожланиш қонуниятига, нерв тизимидаги физиологик етилиш тамойилларига бўйсунуши аниқланди.

3. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда диққатнинг мураккаб хусусиятларидан бири бўлган тақсимланиш хусусияти қиз болаларда кучли ривожланганлиги оқибатида сезиларли фарқлар, диққат барқарорлиги ва кўчувчанлиги ўғил болаларда яхши ривожланганлиги ҳисобига кучли даражада намоён бўлиши эмпирик тадқиқотлар асосида аниқланди.

4. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар диққати ривожланишига ўқитувчининг мулоқот услуби каби объектив омил таъсир қилади. 2-синф

ўқувчиларда диққатнинг кўчувчанлиги ҳамда ўқитувчи либерал услуби орасида манфий боғланиш аниқланди. Кичик мактаб ёшининг 4-синф ўқувчиларда диққатнинг барқарорлиги ҳамда ўқитувчининг демократик услуби орасида манфий боғланиш аниқланди.

5. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг диққати шаклланишига унинг индивидуал психологик хусусиятларидан бири бўлмиш темперамент типи ҳам таъсир қилади. 4-синф ўқувчиларда диққатнинг барқарорлиги, тақсимланиши, кўчувчанлиги ва холерик, сангвиник, флегматик темперамент типлари орасида мусбат боғланиш аниқланди. Диққатнинг барқарорлиги, кўчувчанлиги ҳамда меланхолик тип орасида манфий боғланиш аниқланди.

6. Диққатнинг барқарорлиги, тақсимланиши ва ўқув мотивацияси орасида мусбат боғланиш аниқланди. Бошланғич синф ўқувчиларида ўқув мотивацияси қанчалик кучли бўлса, уларнинг диққати шунчалик барқарор, бир вақтнинг ўзида бир неча объектларга тақсимлай олади.

7. Ўйин терапияси, нейропсихологик коррекция, сенсомотор коррекция, шахсга йўналтирилган терапия, арттерапия, голотерапия, гештальт терапия каби коррекцион методлар кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг диққатини ривожлантиришда фойдаланилди.

8. Диққат ривожланишини коррекциялаш болага кўзгатувчи таъсир ва воситалар ёрдамида реакция қилиш орқали маълум кўникма ва малакани эгаллаш ҳолатига эришиш каби механизмлар орқали самаралидир.

Тадқиқотнинг хулосаларига асосланиб, **тавсиялар** ишлаб чиқилди: Психологлар диққати суст ривожланган болалар билан коррекцион иш олиб борганларида психолог фаолият юритадиган муассасада диққати суст ривожланган ёки гиперактив ўқувчи тахсил олса, ўқувчининг ота-онаси билан маслаҳатлар бериши зарур.

Психолог диққати паст ривожланган ўқувчининг ўқитувчисига, бундай болалар «ёмон» ва «зарарли» эмасликлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб боришлари лозим. Баъзи педагоглар бундай ўқувчилар ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлишади ва бу уларни педагогик фаолиятни юритишларида оптимал шароитни яратмасликларига олиб келади. Қуйида психолог диққати суст ривожланган ўқувчи билан иш олиб боришда тизимли механизмни таклиф этамиз:

а) ўқувчининг психик ривожланиш соҳасига оид ишлар:

- ўқувчини ўз-ўзини ривожлантира олиш кўникмасини шакллантириш;

- ўқувчини ўз-ўзини назорат қилиши ва бошқариши бўйича кўникмага эга қилиш;

- ўқувчининг ижтимоий-психологик адаптацияси бўйича дастурлар ишлаб чиқиши.

б) ўқувчининг ижтимоийлашув соҳасига оид ишлар:

- ўқувчи ўз шахсига нисбатан адекват муносабатни шакллантириш (ўз-ўзига баҳо, ғурур, виждон);

- ўқувчи ўз ишларни режалаштириш ва унга амал қилиш ҳамда интизомга бўйсунуш, ўз-ўзини тартибга солиш кўникмаларини шакллантириш;

- ўқувчини ижтимоий автономияга тайёрлаш, жамоада ўзаро таъсир кўрсата олиш лаёқатларини шакллантириш.

Диққати сушт ривожланган фарзандига таъсир кўрсатиш, улар билан иш олиб бориш учун **ота-оналарга** қуйидагиларни тавсия этамиз:

1. Фарзандингиз диққат-эътиборли бўлишини истасангиз, у билан мулоқотда доимо эътиборини диққат объектига қаратинг. Бола ўз диққатини аниқ бир нарсага қаратиши (ундан бу ҳақда сўранг), шунингдек, аниқ бир нарсани эслаши керак (телефон рақамини, манзилни, шеърни, ҳикояни).

2. Бола ўз фикрларини баён этаётганида унинг фикрларини бўлманг. Бола билан суҳбатлашиш, мактабда ва ташқарида содир бўлган воқеаларни биргаликда муҳокама қилиш лозим. Эртасангиз ёки ҳикояларни қайта айтиб беришни сўранг, гапни тўхтатмасликка ҳаракат қилинг.

3. Фарзандингиз дарс қилиш жараёнида толиқиб, чарчаганида чарчоқни қўлларнинг нозик моторикасини машқ қилиш (бармоқлар, бадиий ҳунармандчилик, тугмачаларни ёки бошқа майда нарсаларни ажратиб олиш машқлари ва ҳ.) орқали бартараф этинг.

4. Фарзандингиз билан муносабатда «ижобий модель» усулини қўлланг. Фарзандингиз бунга лойиқ бўлса, у ҳар қандай вазиятда мақтанг. Утунманг, диққати сушт ривожланган ёки гиперактив бола танбеҳларни рад этади, лекин озгина мақтов унга жудаям аҳамиятли ҳисобланади. Уни диққатни жамлашни талаб этадиган ҳар қандай фаолиятга унданг.

5. Фарзандингиз ўз-ўзини назорат қила олувчи кундалик тутинг. Кундаликка фарзандингиз билан уни мактаб ва уйдаги муваффақиятларни қайд этиб бординг. Уй юмушлари ва уйга вазифаларни бажаришнинг аниқ график намуналарини киритиб бординг.

6. Фарзандингиз учун уйда сокин шароитни яратиб бординг. Диққати сушт ривожланган ёки гиперактив болаларга алоҳида хона қилиб бериш айти муддао бўлади. Бу хонада боланинг диққатини тортадиган нарсалардан холи бўлган, минимализм бўлиши шарт. Хона ранглари ёрқин рангларда эмас, балки тинчлантирувчи тонларда бўлиши лозим. Хонанинг бир четинида спорт бурчагини ташкил этилса, самарали бўлиб ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг диққатини ривожлантириш учун **ўқитувчиларга** қуйидагиларни тавсия этамиз:

Дарс жараёнини ташкил этишда кўпроқ демократик услубдан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ;

Дарс жараёнида мисол, масала, янги топшириқларни беришда ва уларни бажарилишини талаб қилишда ҳам ўқувчининг темпераментини ҳисобга олиш даркор;

ўқитувчи ўқувчи билан муносабатда, уни рағбатлантиришда ўқувчининг темпераментини ҳисобга олиш, флегматик ва меланхолик темпераментдаги ўқувчиларнинг кичик муваффақиятини ҳам албатта рағбатлантириш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ PhD.03/30.12.2021.Р.26.02**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБДУЛЛАЕВА НИЛУФАР САДИКЖАНОВНА

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ВНИМАНИЯ У
ДЕТЕЙ МЛАДШЕГО ШКОЛЬНИКОГО ВОЗРАСТА**

19.00.06 – Возрастная и педагогическая психология. Психология развития

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПСИХОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.2.PhD/P123.

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tdpu.uz) Научного Совета и на информационно-образовательном портале «ZiëNet» (www.ziënet.uz).

Научный руководитель: **Нишанова Замира Таскараевна**
доктор психологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Камилова Нодира Гайратовна**
доктор психологических наук, доцент

Туйчиева Саодат Меликузиевна
кандидат психологических наук, доцент

Ведущая организация: **Джизакский государственный педагогический университет**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2022 года в ___ часов на заседании Научного совета номер РxD.03/30.12.2021.P.26.02 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100185, г. Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, д. 27. Тел.: (+ 99871) 276-82-32; факс: (+ 99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengasx@edu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100185, г. Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, д. 27. Тел.: (+ 99871) 276-82-32.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 года
(реестр протокола рассылки №__ от «___» _____ 2022 года).

Ф.А.Акрамова
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.психол.н., доцент

Н.Б.Атабаева
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философии по
психологическим наукам (PhD),
доцент

Н.Г.Камилова
Заместитель председателя научного
семинара при Научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.психол.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире приобретают актуальное значение вопросы достижения в будущем передовых и талантливых специалистов путем уделения внимания развитию познавательных процессов школьников с младшего школьного возраста, особенно их внимания. В связи с этим, если принять во внимание, что «...по результатам исследований средняя продолжительность концентрации внимания человека в 2000 году составляла 12 секунд, сегодня она уменьшилась до 8 секунд, что меньше, чем у аквариумных рыб, способных удерживать свое внимание в течение 9 секунд...»¹, то становятся всё более актуальными вопросы формирования произвольного внимания учащихся, начиная уже с начальных классов, уделения фундаментального внимания на получение ими знаний, внедрения инновационных технологий в обучение и воспитание учащихся младшего школьного возраста, а также внедрения в сознание молодого поколения таких ценностей, как духовные традиции, гуманизм и демократия.

В научных исследованиях, проводимых в мире, уделяется особое внимание вопросам формирования произвольного, устойчивого внимания в начальных классах, усвоения учащимися знаний, интереса к учебе, творческого подхода социальным проблемам и их совершенствование. В связи с этим возникает необходимость уделения внимания таким вопросам, как развитие внимания у учащихся начальной школы в учебном процессе, обеспечение психологических аспектов тесной связи формирования произвольного внимания у ребенка с усвоением, развитие когнитивных процессов в разных возрастных периодах.

В последние годы в нашей республике создаются необходимые основы для выполнения задач, связанных с всесторонним развитием здорового и духовно зрелого ребенка в период начального образования, его нормативно-правовой защитой. С первых дней независимости уделяется серьезное внимание решению проблем национальной духовности, ценности, национального воспитания и обучения в целях внедрения в жизнь идеи формирования гармонично развитого поколения. Проведенный анализ показывает, что созданы нормативно-правовые основы для выполнения в системе образования работ по психологическим особенностям развития внимания у учащихся младшего школьного возраста. Определение в качестве приоритетной такой задачи, как «осуществление широкомасштабных реформ, основанных на идее о том, что Новый Узбекистан начинается с порога школы, с системы образования и воспитания...»² создало возможность для достижения уже с младшего школьного возраста развития процессов познания у детей, являющихся будущим страны, реализации научно-практических исследований на основе нового научного подхода к совершенствованию устойчивости внимания у учащихся младшего школьного возраста.

¹ <https://www.bbc.com/russian/features-39243375>

² Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. 29 декабря 2020 года / Газета “Народное слово”, 30 декабря 2020 года.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит выполнению следующих указанных задач №УП-60 утвержденный от 28 января 2022 года, «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», № УП-6108 Президента Республики Узбекистан, от 6 ноября 2020 года, «Меры по развитию отраслей образования и науки в новый период развития Узбекистана» «О деятельности» Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 140 от 15 марта 2017 года «Об утверждении положения об общем среднем образовании», № 577 от 12 июля 2019 года «О дальнейшем совершенствовании психолого-педагогического сопровождения обучающихся»

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления науки и технологий в республике I. «Формирование и пути реализации инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. В нашей республике различные аспекты периода младшего школьного возраста изучены такими учёными, как Ш.Дусмухамедова, А.Кабилова, Т.Мустафакулов, М.Махсудова, Р.Суннатов и другие. М.Зуфаровой исследованы особенности внимания, М.А. Халимовой - синдром нехватки внимания, встречающийся у учащихся начальных классов, как патология.

Проблемы правильного управления и развития внимания экспериментально изучены в исследованиях таких учёными Содружества Независимых Государств, как Л.Выготский, Ф.Гоноболлин, Н.Добрынин, Н.Кузьмина, А.Леонтьев, А.Люблинская, А.Миллер, Н.Обозов, Н.Перлмуттер, С.Рубинштейн, П.Секорд, Л.Славина и другие.

В трудах зарубежных психологов и психоаналитиков исследованы следующие психологические особенности внимания, в частности, Д.Бродбент, Ж.Дойч, У.Найссер, Д.Норман, Э.Трейсмен и другие исследовали изучение внимания на основе когнитивного направления, К.Вагнер, Г.Голлнитц Ф.Рейнхарт, Н.Салман - изменение концентрации внимания, Т.И.Коссов, Т.Фершильд - серьёзное нарушение концентрации внимания, Р.Бриченкамп, Р.Паули - концентрацию внимания.

